

ЎҚИТУВЧИННИГ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КОМПЕТЕНЦИЯСИ



Дилором Нуруллоевна АШУРОВА

Ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

ashurova_7@mail.ru



Улуғбек Норкулович БЕКМУРАДОВ

Ўқитувчи

Таржимашунослик назарияси ва амалиёти кафедраси

Таржима назарияси ва амалиёти факультети

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

bekmuradov.u@gmail.com

Аннотация

Мақолада замонавий ўқитувчининг ўқув жараёнидаги компетенцияси, таълим жараёнида техник ўқув қуролларидан тўғри ва моҳирона фойдалана олиш (АКТ компетентлиги), ўқитувчининг АКТ компетентлиги таърифлари, унинг тузилмасида ўқитувчининг аспектлари, қолаверса, ўқитувчиларнинг АКТ компетентлиги юзасидан ЮНЕСКО тавсиялари ҳақида сўз боради.

Мақолада булатли технологиялар, Web 2.0 технологияларининг имкониятлари ва уларни таълим жараёнида қўллашнинг афзаликлар ҳақида ҳам фикр юритилади.

Калит сўзлар: ахборот-коммуникация технологиялари; АКТ компетентлик; ўқитувчининг АКТ компетентлиги; булатли технологиялар; булатли сақлаш хизмати; Web 2.0 технологиялари.

КОМПЕТЕНЦИИ ПРЕПОДАВАТЕЛЯ В ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЯХ

Дилором Нуруллоевна АШУРОВА

Преподаватель

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

ashurova_7@mail.ru

Улугбек Норкулович БЕКМУРАДОВ

Ўқитувчи

Таржимашунослик назарияси ва амалиёти кафедраси

Таржима назарияси ва амалиёти факультети

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

bekmuradov.u@gmail.com

Аннотация

В статье рассматривается компетентность современного преподавателя в учебном процессе, эффективное применение технических знаний и умений в реальной образовательной деятельности (ИКТ-компетентность), а также аспекты преподавания в структуре компетенции. В статье приведены рекомендации ЮНЕСКО о компетентности преподавателей в области ИКТ, а также показаны примеры по применению облачных технологий, технологий Web 2.0 и обосновываются их преимущества при использовании в учебном процессе.

Ключевые слова: информационные-коммуникационные технологии (ИКТ); ИКТ-компетентность; облачные технологии; сетевыеинформационные хранилища; технологии Web 2.0.

TEACHER COMPETENCE IN INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES

Dilorom Nurulloyevna ASHUROVA

Teacher

Uzbekistan State University of World Languages

Tashkent, Uzbekistan

ashurova_7@mail.ru

Ulugbek Norkulovich BEKMURADOV

Lecturer

Department of Theory and Practice of Translation Studies

Faculty of Theory and Practice of Translation

Uzbekistan State World Languages University

bekmuradov.u@gmail.com

Abstract

The article is devoted to the competence of a modern teacher, ICT competence and usage of the new application and modern gadgets in the educational process, teacher's competence in the field of information and communication technologies (ICT), UNESCO recommendations towards teachers' competence and skills in a area of information technologies. Article also shows a cloud and Web 2.0 technologies and the benefits of using them in the learning process.

Keywords: Information and communication technologies (ICT); competence; ICT competence; cloud technology; cloud storage services; Web 2.0 technologies.

Компьютер технологияларининг жадал ривожланиши натижасида унинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи ўзгариб бормоқда. Ахборот технологияларидан самарали ва унумли фойдаланишни эгаллаган ҳар бир шахс, касбий фаолиятини

ташкил этишда янгича фикрлаш тарзи, пайдо бўлган муаммоларни баҳолашда ўзгача ёндашиш қобилиятига эга бўлади. Бугунги кунда ўқитувчилар нафақат ўзининг ахборот воситаларига (телефон, смартфон, ноутбуқ, планшет ва бошқалар), балки ўз ахборот майдонига (ижтимоий тармоқлар, тармоқда жамоалар билан мулоқот қилиш ва ишлаш имконияти) ҳам эгадир. Ўқитувчиларнинг тобора ривожланиб бораётган ахборот технологиялари имкониятларини дарс жараёнига тўла татбиқ қилмаслигининг асосий сабаби қўп холларда АКТ (ахборот-коммуникация технологиялари) ҳакида етарли билимга эга эмасликларидадир.

Замонавий ўқитувчининг компетенцияси – ўз мутахассислиги ва ихтисослиги доирасида етарли билим, кўникма, малакага эга бўлиши, шунингдек, шахсий қадриятлари, сифатлари, малакасининг дарс жараёнида намоён бўлиши билан белгиланади.

“Компетенция” деганда муайян муаммо ва масала, ҳодиса борасида шахснинг билим, тажриба, малака ва кўникмага эга бўлиши ва уларни ҳал қилишга етадиган салоҳияти тушунилади (1).

“Компетентлик” – муайян воқеа-ходисалар, масалалар ва уларнинг ечими юзасидан ахборотга эга бўлиш ва шу соҳада муайян нуфузга эришишни ўзида ифода этади. “Компетенция” ва “компетентлик” атамалари ўзакдош бўлиб, улар Гарб илмий адабиётида 60-йилларнинг охири, 70-йиллар бошида пайдо бўлди. “Компетенция” атамаси миллий педагогикада XX асрнинг 90- йилларидан “педагогик маданият”, “касбий лаёқатлилик”, “квалификация” тушунчаларига маънодош сифатида ишлатила бошланди.

Ўқитувчиларнинг АКТ компетентлиги ва уни таълим жараёнида тўғри кўллай олиш лаёқатига эҳтиёж компьютер технологияларининг пайдо бўлиши билан вужудга келди. Ахборот коммуникация технологияларини жамиятнинг турли соҳаларига татбиқ қилишининг дастлабки даврида аҳолининг компьютер саводхонлигини ошириш, яъни техник билимлар, шахсий компьютердан фойдалана олиш, амалий дастурий таъминотларнинг имкониятларини билиш ва уларда ишлай олиш, интернет тармоғидан фойдалана олиш каби қоидалар АКТ компетентлиги тушунчасини ифодалади.

Бугунги кунга келиб эса ўқитувчининг АКТ компетентлиги нафақат турли ахборот воситаларини ишлатиш, балки уларни педагогик фаолиятда самарали қўллаш ҳамдир.

Ўқитувчининг АКТ компетентлигига педагог тадқиқотчилар қуйидагича таъриф берадилар:

В.Ф. Бурмакина: **АКТ компетентлик** – таълим, тарбия ва бошқа фаолият жараёнида вужудга келадиган муаммоларни ҳал қилишда АКТ саводхонлиги бўйича эгалланган барча кўникмаларни қўллай олиш (5).

А.А. Елизаров: **АКТ компетентлик**, бу – билим, малака ва кўникма йиғиндиси бўлиб, касбий вазифани амалга оширишда жуда муҳим бўлган тажрибанинг мавжудлигидир (1).

О.Н. Шилова, М.Б. Лебедева: **АКТ компетентлик**, бу – ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида таълимий, касбий, кундалик вазифаларни ҳал этиш қобилияти (2).

Л.Н. Горбунова и А.М. Семибраторов: **АКТ компетентлик**, бу – педагогнинг мустақил ва ўз касбий фаолияти давомида ахборот технологияларини қўллашдаги тайёргарлиги ва қобилиятидир (3).

Ушбу қоидаларга асосланиб, АКТ компетентлигининг умумий таърифини келтирамиз:

АКТ компетентлиги – ривожланаётган ахборот жамияти шароитида самарали, муваффақиятли фаолият юритишда ахборотдан фойдаланиш, излаш, яратиш, қайта ишлаш, баҳолаш ва етказиш/тарқатиш учун ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдалана олиш қобилиятидир.

АКТ компетенциянинг асосий жиҳатлари:

- АКТ соҳасида функционал саводхонликнинг етарли даражада юқори бўлиши;
- таълим жараёнини самарали ташкил этиш ва касбий муаммоларни ҳал қилишда ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш;
- ахборот-коммуникация технологияларини таълим соҳасидаги янги парадигма асоси сифатида қабул қилиб, ахборий жамиятнинг тўлақонли субъекти сифатида ривожлантиришга қаратилган.

№	Тузилма элементи	Кўникмалар
1	Аниқлаш	<ul style="list-style-type: none"> – саволни тўғри талқин қилиш қобилияти; – саволни батафсил ўрганиш қобилияти; – матнда маълумотларни топиш; – топшириқларнинг аниқ ва ноаниқ кўриниши; – тушунчалар ва атамаларни индентификациялаш; – сўровнинг асосланиши.
2	Кириш (қидириш)	<ul style="list-style-type: none"> – батафсил маълумотларни ҳисобга олган ҳолда қидириш шартларини танлаш;

		<ul style="list-style-type: none"> – қидирув натижаларини сўралган шартларга мувофиқ бўлиши; – қидирув стратегиясини шакллантириш.
3	Бошқарув	<ul style="list-style-type: none"> – ахборотни тузиш учун таснифлаш схемасини яратиш; – тавсия этилган таснифлаш схемаларидан фойдаланиш; – ахборотни тузиш.
4	Интеграция	<ul style="list-style-type: none"> – ахборотни турли манбалардан солиштириш ва тўплаш қобилияти; – аҳамиятсиз ва мос келмайдиган маълумотларни ажратиш қобилияти; – ахборотни қисқа ва мантиқий равища да хар томонлама умумлаштириш қобилияти.
5	Баҳолаш	<ul style="list-style-type: none"> – эҳтиёжга қараб ахборотни танлаш мезонларини ишлаб чиқиши; – ишлаб чиқилган ёки белгиланган мезонларга мувофиқ ресурсларни танлаш; – қидирувни керакли вақтда тўхтата олиш қобилияти.
6	Яратиш (тузилиш)	<ul style="list-style-type: none"> – олинган маълумотларни, шу жумладан, қарама-қарши маълумотлар асосида муайян муаммони ҳал этиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиши қобилияти; – муайян муаммони ҳал этишда мавжуд ахборотни инобатга олиб хулоса чиқариш қобилияти; – чиқарилган хулосаларни асослаш қобилияти; – зиддиятли маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда муаммони мувозанатлаш қобилияти; – хулосаларнинг ишончлилигини ошириш мақсадида яратилган маълумотларни туркумлаш.
7	Хабар (етказиш)	<ul style="list-style-type: none"> – муайян аудиторияга маълумотни мослаштириш қобилияти (тегишли воситалар, тил ва визуал воситаларни танлаш билан); – ахборот манбаларини тўғри кўрсатиш қобилияти (<i>муаллифлик ҳуқуқига хурмат</i>); – зарур ҳолларда ахборотнинг маҳфийлигини таъминлаш; – маданий, ирқий, этник келиб чиқиш ёки жинсга нисбатан провокацион баёнотлардан фойдаланишдан қочиши.

Педагогнинг АКТ компетентлиги – замонавий ўқитувчи маҳорат даражасини белгилашнинг муҳим мезони ҳисобланади. Фанларнинг ўқитилишига талабнинг ошиб бориши АКТ воситалари ва инновацион технологияларни ўқув жараёнини ташкил этишда янада кенгроқ қўллаш эҳтиёжини келтириб чиқармоқда.

ЮНЕСКО тавсияларида таъкидланганидек, замонавий ўқитувчининг саводхон бўлиши ва талабаларда фан доирасидаги кўникма ва малакаларни шакллантириши етарли эмас. Замонавий ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларни замонавий ахборот технологиялари билан яқиндан танишиб, қўйилган вазифаларни ечишда, дастурда белгиланган фанларни ўзлаштиришда АКТ дан фойдаланишни ўргатишдан ҳам иборат.

Компетенция тузилмасида ўқитувчининг лаёқати 6 аспектга ажратиб кўрсатилади:

- таълим соҳасида АКТнинг ўрнини англай билиш;
- таълим дастурини тузиш ва баҳолаш;
- педагогик амалиёт;
- АКТнинг техник ва дастурий таъминотини билиш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;
- касбий ривожланиш.

Ушбу жиҳатларнинг барчаси таълим муассасаларини ахборотлаштириш жараёнидаги 3 босқич билан чамбарчас боғликдир:

1. АКТни қўллаш жараёни – таълим сифати ҳамда самарасини оширишда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишни ўқувчиларга ўргата билиш кўникмасига эга бўлиш.

2. Билимларни ўзлаштириш – ўқитувчининг ўқувчиларга фанлар мазмунини чуқур ўзлаштиришда, кундалик ҳаётда юзага келадиган мураккаб муаммоларни ўз билимларидан фойдалангандан ҳолда ечишларида кўмак бериши.

3. Билимларни ишлаб чиқариш – бу босқичда ўқитувчи ўқувчиларнинг етук мутахассис бўлиб етишишларида ёрдам бериши, эгалланган билимлар асосида жамият ва фан ривожига ҳисса қўшадиган янги билимларни ишлаб чиқишиларида йўналиш беришдан иборат.

ЮНЕСКО гояларига мувофиқ, ўқитувчининг АКТ компетенцияси тузилиши қўйидаги жадвалда батафсил келтирилган.

6 аспектнинг 3 босқичда намоён бўлиши	АКТни қўллаш	Билимларни ўзлаштириши	Билимларни ишилаб чиқарии
Таълим соҳасида АКТнинг ўрнини англай билиш	Таълим тизимидағи ислоҳотлар билан танишув	Таълим тизимидағи ислоҳотларни тушуниш	Инновацион ташаббуси билан чиқиш
Таълим дастури ва баҳолаш	Таянч билимлар	Билимларни қўллай билиш	Мавжуд билимларни умумлаштира олиш
Педагогик амалиёт	АКТдан фойдаланиш	Мураккаб муаммоларни ечиш	Мустақил таълим олиш кўнимасига эга бўлиш
АКТнинг техник ва дастурий таъминоти	Асосий дастурий воситалар	Мураккаб дастурний воситалар	Кенг жорий тарқалган технология
Таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш	Таълимнинг анъанавий кўриниши	Ҳамкорлик грухлари	Таълимни ташкил этиш
Касбий ривожланишга эришиш	Комьютер саводхонлиги	Ёрдам бериш ва ўргатиш	Етук педагог

ЮНЕСКО томонидан таклиф этилган тизимли ва комплекс ёндашувни хисобга олган ҳолда, юқорида келтирилган талаблар ўқитувчи эга бўлиши керак бўлган аниқ технология ва хизматларни кўрсатмайди. АКТ таълимининг мазмuni таълим жараёнида мавжуд бўлган замонавий ахборот технологияларининг имкониятлари ва ривожланишини англаши орқали аниқланади.

АКТ таълим тизимидағи муаммо ва вазифаларни ечиш учунгина эмас, балки таълим соҳасининг бир бўлаги, уни тўлдирувчи қисм сифатида қўлланади. Масалан, мультимедиа технологиялари ўқитувчилар маъruzalariда кўргазмали восита сифатида эмас, балки оддий бир жараён сифатида яратилган. Кейинчалик бу жараённинг такомиллаштирилиши ва соҳа қамровининг кенгайтирилиши натижасида янги технологиянинг таълим жараёнида ҳам фойдаланилишига эришилди.

Умуман олганда, бу каби технологиялар ўқитувчи ва ўқувчи учун ахборот манбасини яратиш ва уни сақлашда муҳим воситалардан бири саналади. Бу технологияларнинг қулайликлари сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин:

Булутли технологиялар ўқитувчилар ва талабаларга ахборот ресурсларини яратиш ва уларни ижтимоий тармоқлар, электрон ахборот сақлаш хизматларига жойлаштириш имконини беради. Булутли технологиялар қўйидаги афзалликлари билан ажралиб туради:

Мобиллик – фойдаланувчига ахборотни сақлаб қўйиш учун муайян жойни эгалламай, маълумотларни булутли сақлаш хизматларида жойлаб, исталган замон ва маконда интернетга уланган ҳар қандай қурилмалардан маълумотлар сақланган базага кира олиш имконини беради.

Тежсамилик – фойдаланувчилар махсус компьютер ва дастурларни сотиб олишига ҳожат қолмайди, интернет тармоғида қўплаб булутли хизматлар ва иловалар одатда бепул тақдим этилади.

Ишончлилик – булутли маълумот сақлаш хизматлари учинчи шахсга ахборотни тақдим этмаслик кафолатини берали.

Бу каби бепул дастурларга Google Apps for Education ва Microsoft Live@edu Mail.ru қабиларни мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Бу дастурлар орқали ўқувчилар ўзлари сақлаб олган ҳужжатларни таҳирлашлари, ўзгартирган ҳолда уни қайта сақлаб қўйишлари мумкин.

Шу ўринда янги Web 2.0 технологиясининг таълим жараёнига келтириши мумкин бўлган самараси ҳақида тўхтамоқчимиз. Web 2.0 – турли сайтлардан иборат бўлиб, унинг эътиборли жиҳати шундаки, онлайн контентни фойдаланувчиларнинг ўзлари тўлдиришлари мумкин. Мазкур тизимни таълим тизимига жорий этадиган бўлсак, ўқувчилар нафақат бу тармоқ коммуникациясининг фойдаланувчиси, балки унинг фаол тўлдирувчиси ҳам бўлишлари мумкин. Web 2.0 технологияси таълим жараёнининг дикқат марказидаги фойдаланувчиларнинг, хусусан, ўқувчиларнинг сайтдаги ахборотларни янада кўпайтиришларини назарда тутади.

Web 2.0 тармоқ коммуникациясининг эътиборли томони сифатида шуни кўрсатиши мумкинки, бу орқали фойдаланувчилар ўзаро мулоқот қилиш имконига эга бўладилар. Бу имкониятни таълим тизимига татбиқ этадиган бўлсак, ўқувчилар бирор дарслик юзасидан онлайн ёки виртуал мулоқот қила оладилар.

Инсон ўз ҳаётида шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўлиши учун зарур бўлган таянч компетенцияларга эга бўлиши

лозим. Бундан ташқари, таълимда ҳар бир ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларда шу фаннинг ўзига хослиги, мазмунидан келиб чиқсан ҳолда хусусий компетенциялар ҳам шакллантирилади.

Ўқитувчининг компетенцияси, ўз йўналишларидан келиб чиқсан ҳолда, ўқувчиларнинг таълим лойиҳаларини амалга оширишда ахборот билан ишлай олиш қобилиятини шакллантиришда, муаммоларни тартиблаш ва белгиланган вазифани бажариш салоҳиятини оширишда, талабалар учун мўлжалланган (индивидуал) ўқув методлари ёрдамида дастурий воситалардан фойдаланиш йўлларини ўргатишни ўз ичига олади.

Буларнинг барчаси ўқувчиларнинг асосий тушунчаларини чукур тушунишларига ва мураккаб амалий муаммоларни ҳал қилишда улардан фойдаланишга ёрдам беради. Таълим лойиҳаларини гуруҳ билан амалга ошириш учун ўқитувчилар ўқувчилар билан биргаликда ишлашлари, ахборот олишлари ва танланган муаммоларни таҳлил қилиш ва ҳал қилишда ташқи эксперталар билан мулоқот қилиш учун тармоқ ресурсларидан фойдаланишлари лозим.

Шунингдек, ўқитувчиларнинг индивидуал ва гуруҳ дарс лойиҳаларини амалга оширишда, ўқув режаларни ишлаб чиқишида ва уларни бажаришда, мутахассислар билан алоқа ўрнатишлари ва касбдошлари билан ҳамкорлик қилишда, ўз билимларини оширишда интернет тармоғидаги маълумотлардан, умуман олганда, АКТдан унумли фойдалана олишлари мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Елизаров А. А. Базовая ИКТ компетенция как основа Интернет-образования учителя: Международная научно-практическая конференция RELARN-2004.
2. Лебедева М.Б., Шилова О.Н. Что такое ИКТ компетентность студентов педагогического университета и как ее формировать? // Информатика и образование. – 2004. – № 3. – С. 95-100.
3. Педагогик атамалар луғати. – Тошкент: Мерос, 2014. –156.
4. Структура ИКТ компетентности учителей. Рекомендации ЮНЕСКО.
5. <http://www.sitos.mesi.ru/>
6. [http://ito.edu.ru/2004/Moscow/Late/Late-0-4937.html.](http://ito.edu.ru/2004/Moscow/Late/Late-0-4937.html)